



Олий Мажлисининг XV сессияси олдида

Қонулар — тараққиёт таянчи

Мамлакатимиз йил сайин жаҳон интеграция жа- раёнига фаол қўшилиб бормоқда. Бу жара- ён, ўз навбатида, жамиятда муайян ҳуқуқий асос бўлишини ҳам тақозо этади. Парламентнинг XIV сес- сиясида биринчи ўқишда қабул қилинган «Экспорт назорати тўғрисида»ги қонун лойиҳаси шу мақсад- ларда ишлаб чиқилди. Иқтисодийни ислоҳ қилиш масалалари ва тадбиркорлик қўмитаси ишчи гуруҳи томонидан тайёрланган мазкур лойиҳа кенг жамоат- чиликда катта қизиқиш уйғотди. Вазирликлар, жа- моат бирлашмалари, ташкилотлар ва тадбиркорлар- дан ўнлаб тақлиф ва мулоҳазалар келиб тушгани ҳам фикримиз далили бўла олади. Қўмита аъзолари уларнинг ҳар бирини диққат билан ўргандилар. Му- тахассислар, экспертлар иштирокида давра суҳбат- лари уюштирилди. Тақлиф-мулоҳазалар натижаси- да лойиҳа анча яқинлаштирилди. Эндиликда у Олий Ма- жлисининг ўн бешинчи сессиясида депутатлар муҳо- камасига иккинчи ўқишда киритилиши мўлжалланган.

Жамиятда иқтисодий кўрсаткичларнинг ўсиб бо- риши кўп жиҳатдан қимматли қозғолар бозори фао- лиятига боғлиқ. Демак, соҳага тегишли қонун ҳуж- жатларининг замонага қанчалик ҳамоҳанг эканлигини таҳлил қилиб бориш фойдадан холи бўлмайди. Шу мақсадда қўмита қимматли қозғолар бозорига оид қонунчиликни такомиллаштириш мавзусида давра суҳбати ташкил қилди. Унда мутахассислар жаҳон қимматли қозғолар бозоридида аҳоли ва дунё таж- рибасидан келиб чиқиб қонунчиликка оид ўз муло- ҳазаларини билдирдилар.

Бундан ташқари, қўмита «Сугурта фаолияти тўғри- сида»ги Қонуннинг Тошкент вилоятидаги ижроси ма- саласини ўрганди. Шу жараёнда ютуқлар билан бир- га қатор камчиликлар ҳам борлиги аён бўлди. Хусус- ан, вилоят ҳокимлиги қонун ижросига етарлича эътибор қаратмаган. Тегишли ташкилотлар сугурта- нинг аҳамияти юзасидан аҳоли орасида етарли да- ражада тарғибот ишларини уюштирмаганлар. Дав- лат сугурта назорати инспекциясининг сугурта ком- паниялари билан ҳамкорликдаги иши ислохотлар та- лаби даражасида деб бўлмайди. Шу боис қўмита сугурта компаниялари аҳоли ўртасида тарғибот-таш- виқот ишларини зарур даражада йўлга қўйишлари лозимлигини таъкидлади.

Иқтисодий мавзуда гап кетганда, соҳада соғлом рақобат мўҳитини таъминлашга оид қонун ҳужжат- лари ёдга келади. Мисол учун, «Товар бозорига мо- нополиястик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғриси- да»ги Қонун соҳадаги адолат меъёрларини белги- лаб берган. Қўмита ҳисобот даврида ушбу қонун- нинг Хоразм вилоятидаги ижросини ўрганди. Назо- рат-таҳлил жараёнида вилоятда қонунга риоя этиш- да камчиликлар мавжудлиги аниқланди. Масалан, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожланти- риш ҳудудий бошқармаси томонидан 2003 йилда ўтказилган текширишлар натижасида 49 та, жорий йилнинг олти ойида 33 та ҳўжалик субъекти ўз усту- н мақоени сумистемол қилгани қайд этилган. Ундан ташқари, ўтган йили 8 та, 2004 йилнинг олти ойи мобайнида 5 та корхонанинг бошқарув органлари, юқори ташкилоти бўйруғи билан акциядорлик жа- миятлари фаолиятига аралашгани ҳам қонун талаб- ларига зиддир. Масалани ўрганиб чиққан ишчи гуруҳ мавжуд камчиликларни тугатиш бўйича тавсия- лар берди.

Худойберди ЭШМАНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Ўзбекистон тарихида илк бор Конституциянинг 60- моддасида сиёсий партия- нинг ҳуқуқий мақоми мустаҳкамлаб қўйилди. Шу билан бирга, сиёсий партияларнинг жамият институти сифати- даги ҳуқуқий мақоми «жамоат бирлашмалари сифатида» эътироф этилди. Натижада уларнинг давлат ҳокимияти органларидан мустақил равишда ривожланиши ва кенг фаолият кўрсатиши учун қулай майдон вужудга келди.

Тўғри, сиёсий партиялар фао- лиятини фақат ҳуқуқий жи- ҳатлардангина кафолатлаш улар- нинг кенг қиррали фаолиятини амалга ошириш учун етарли эмас. Буни ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда. Шу боис сиёсий партиянинг жамият- даги ва сиёсий муносабатлардаги вазифаларини тўла бажара олиш қобилиятини шакллантириш учун унинг фаолиятини молиявий то- мондан кафолатлаш тажрибаси бу- гун Ўзбекистонга ҳам кириб кел- ди. Иккинчи қадам Олий Ма- жлисининг XIV сессиясида «Сиёсий партияларнинг молиялаштириш тўғрисида»ги Қонун қабул қилин- ди.

Кўриб турганингиздек, эндилик- да мамлакатимизда икки палатали парламентни шакллантириш, шу билан бирга, сиёсий партиялар де- мократик институти сифатида кенг фаолият кўрсатиши учун барча ҳуқуқий, сиёсий ва молиявий асос- лар мавжуд. Лекин, шунга қара- май, уларнинг ўз сўзи ва ўрнига эга бўлиш жараёнида хануз да- воми ётмоқда. Негаки, қисқа давр ичида фуқаролик жамияти талаб- ларига жавоб бера оладиган сиё- сий партияларнинг тўлиқ шаклла- ниши қийин эканлиги табиий ҳол. Аммо бу каби сабаблар билан партияларнинг сиёсий мўртлигини оқлаб бўлмайди.

Хўш, унда томи маънодаги замо- навий сиёсий партияларнинг шакл- ланиши учун нималар ҳалокат бе- рамайди? Афсуски, қўнчилик ҳали бу саволга жавоб беришга тайёр эмас.

Едингилик бўлса, АҚШ ва Евро- па давлатларида илк сиёсий партиялар пайдо бўлганда уларга шубҳа билан қаралганди. «Турли сиёсий кучлар бузғунчиликка олиб келади, барқарорлик бузилади»- каби фикр-мулоҳазалар билдирил- ганди. Оқибатда партиялар ривож- ланиши анча ортга сурилганди. Утган давр эса, партияларнинг сиё- сий элитани адолатли тарзда шакл- лантириш қийинлигини кўрсатди. Фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий дав- лат қуриш амалиёти фақат сиёсий

Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари

натижасидагина сайловчилар эъти- борини ўзига жалб эта олиши мум- кин. Партия бошланғич ташкилот- лари ёки вакиллари фуқаролар я- шаш ва ишлаш жойларида фао- лият кўрсатиб, сайловчилар дунё- қарашига таъсир эта олмаса, сиё- сий куч сифатида ўз вазифалари-

турлари ва стратегик мақсадлари- ни бажариш борасидаги ишлари умумпартиявий фаолиятнинг бир қисми бўлиши мумкин. Фракция- нинг қонун қабул қилишдаги иш- тироки эса парламент фаолияти билан боғлиқ жараён. Сиёсий партияларга тааллуқли

Рақобат майдони

сиёсий партиялар учун катта синов

партиялар воситасида шаклланган сиёсий элита давлат ва жамият манфаатлари асосида фаолият кўрсата олишга қўбил эканлигини кўрсатди.

Сиёсий партиянинг ташкилот сифатидаги нуфузини таъминлаш манбаи — унинг қуйи ташкилотла- ри ва аъзолари фаолиятидир. Партия аъзоларини фаолаштирув- чи омил эса, унинг амалий фаоли- ятида ва дастурий ҳужжатларида оддий аъзоларнинг манфаатлари нечоғли инобатга олинганлига боғ- лиқ. Партияларнинг энг асосий ва- зифаларидан бири — нафақат ўз аъзолари ва ўз таянч базаси бўлган ижтимоий қатлам манфаатларини ифодалаш, балки уларнинг ўз ман- фаатларини чуқур аниқлаш даража- сига эришишга қўмақлашидир.

Зеро, ҳеч бир шахсда сиёсий манфаатлар ўз-ўзидан шакллан- майди. Бунинг учун шахс билан партия ташкилотлари ўртасида уз- виқли алоқа бўлиши, шахснинг жа- моат ташкилотларидаги иштироки, унинг фаолияти учун ижтимоий-си- ёсий кенгликлар яратилиши лозим. Ҳар бир инсон партия ташкилот- лари фаолиятида иштирок этиши учун уларда ўз манфаатларининг ифодаланиши ва амалга ошириши имконини керак. Бошқача айтган- да, ҳар қандай партиянинг қуйи ташкилотлари сайлов округларида, маҳалларда, меҳнат жамоалари- да ва ёшлар ўртасида узлуксиз ва муттасил равишда сайловчилар ман- фаатлари ва оғзу-истакларига уй- гун бўлган дастурий вазифалари- ни кенг тарғиб ва ташвиқ қилиши

асосий вазифалардан бири, бу — сайловларда иштирок этиш ва унда ўз номзодлари сайланишига эри- шиш учун интилишдир. Ушбу жаб- ҳадаги муваффақият партиянинг яшовчанлиги гаровидир. Бунинг учун эса ҳар бир партия одамлар- ни ўзининг рақобатдаги бошқа сиёсий кучга нисбатан устуң экан- лигига ишонтира олиши лозим.

Партияларнинг ўз функциялари- ни амалиётда бажаришларининг яна бир асосий усули, бу — улар- нинг сайловлар кампанияси даври- да қонун чиқарувчи органларга сайланишлари учун ўз номзодла- рини кўрсатишларидир. Табиий- ки, у бундай муваффақият қозо- ниш учун партия фаоллари аҳоли- нинг қўнчили қисмини ўз томо- нига оғдириши, сайловчилар ўрта- сида ташвиқот ва тарғибот ишла- рини олиб бориши лозим. Қонун чиқарувчи органларга ўз вакилларининг кўпроқ сайланиши- га (ярмидан кўпроқ) эришган партия, шубҳасиз, идора қилувчи сиёсий элитани шакллантириш, бошқарув органларининг раҳбар- лик лавозимларига номзодлар тай- ёрлаш ва кўрсатиш имкониятини қўлга киритади. Пировардида сиё- сий қарорлар қабул қилиш жараё- ни ва уни назорат қилишда ишти- рок этиш учун мустаҳкам ҳуқуққа эга бўлади.

Ҳа, XXI аср бошида мамлакатимизда фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат барпо этиш йўлида икки палатали парламентни шакл- лантиришга доир ислохотлар то- бора чуқурлашиб бормоқда. Жа-

миятда кўппартиявийликни қарор топтириш, демократик сайловлар тизимини ислоҳ қилишга доир ўзгаришлар эҳтимоли юқори. Давлат қурилишини эркинлаштиришга доир ислохотларнинг бошланиши, «Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари» концептуал сиёсий дастури ҳаётга татбиқ этиш жараёнида демократик таъминотлар янада ривожланимоқ- да. Қолаверса, мамлакатда икки палатали парламентнинг қуйи па- латасини шакллантириш асосан сиёсий партиялар номзодлари асосида кенчиши демократик ан- дозаларга тўла мос келади. Ўз ўрнида сиёсий партияларнинг де- мократик институти сифатидаги му- стақиллиги ва фаолиятини ошириш учун шарт-шароитлар яратилади. Ле- кин мазкур жабҳада амалга оши- рилаётган ислохотларни охирига етказиш осон кечмайди. Бунинг учун сиёсий партияларни муста- қиллигини таъминлаш, эркин ижодий фаолият юридаган, ин- теллектуал салоҳиятга эга бўлган партия етакчилари етиштириш каби фуқаролик жамиятининг ўзи- га хос қондаларини ҳаётга татбиқ этиш зарур.

Президентимиз И. Каримов та- шаббуси билан мамлакатда икки палатали парламент барпо этиш- га доир ислохотларни чуқурлаш- тириш жараёни янги босқичга кирганлигини ўзи бу йўлда таш- ланган муҳим қадам бўлди. Пре- зидентимиз кўрсатиб берган «... жамиятимизни янада демократ- лаштириш ва фуқаролик институ- ларини шакллантириш, аввало, аҳоли сиёсий фаолиятининг ўси- ши, унинг сиёсий, ижтимоий ва давлат ҳаётида нечоғли фаол иш- тироқ этиши билан узвий боғлиқ»- лигидан келиб чиқиб, ислохотлар- нинг янги босқичида парламент ва вакилик органларини янада хал- қчиллаштириш фуқаролик жамия- ти қуриш қарорларидан бири- дир. Албатта, мамлакат сиёсий ти- зимида икки палатали парламенти шакллантириш жараёнида миллий ўзига ҳослик, миллий аъ- ананаларни ҳисобга олиш устувор- лик касб этади. Шу билан бирга, умуминсоний қадриятлар даража- сига кўтарилган илгор демокра- тик таъминотларни ўрганишнинг аҳамияти ҳам беқиёс каттадир.

Муҳимжон ҚИРҒИЗБОВ.

Бутловчи қисмлар — «ЎзДЭУАвто»га

Қўқон шаҳридаги «Электромаш» масъу- лияти чекланган жамияти жамоаси бир неча йилдирки Асакадаги «ЎзДЭУАвто» қўшма корхонасига 20 турдан зиёд бут- ловчи қисмлар етказиб бermoқда. Бу ўз навбатида жамиятда ишлаётган ишчи- гарлару пайвандчилар зиммасига катта масъулият юкляпти.

Улар эса бунинг чуқур ҳис этган ҳолда сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқармоқда- лар. Адҳамжон Яхёев — шулардан бири. У ҳалол меҳнати, ахлоқ-одоб билан ҳам- касблари ўртасида хурмат-эътибор қозон- ган.

СУРАТДА: Адҳамжон Яхёев. Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.



Хабарлар оқимидан

Улар Германияга довланишга

Қуни кеча мамла- катимиздаги кам таъ- минланган оилалар- нинг ўн нафар фар- зандалари Германия- нинг машҳур клини- каларига довланиш учун жўнатилди. «Соғ- лом авлод учун» хал- қаро хайрия жам- гармаси, Германия- нинг «Фриденсдорф интернейшнл» халқа- ро ташкилоти ҳамда Соғлиқни сақлаш ва- зирлиги ўртасида тузилган шартномага мувофиқ шу кунга қадар 28 нафар юрт- дошимиз Германия- да довланиб қайт- ди. 8 нафари эса да- воланиши давом эт- тиришмоқда. Шунингдек, лаб ва танглайда нуқсони бор 140 нафар бола- ни «Фриденсдорф интернейшнл»нинг тибиёт институтида ҳамкорликда опера- ция йўли билан да- волаш кўзда тутил- ган.

М. ТОЖИЕВА.

Шифобахш НОН

«Бухоронон» очик турдаги акциядорлик жамияти харидорларнинг талаб ва ис- такларидан келиб чи- қиб йодли нон ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Хар куни 2 тоннадан ишлаб чи- қарилаётган ушбу нон вилоятда йод та- нқислигидан буқоқ касаллигига чалинган беморлар дарадига маҳкам бўлиши шуб- ҳасиз. Сентябрь ойидан бошлаб эса, бу ерда россиялик ҳамкорлар билан биргаликда макарон ишлаб чиқариш ҳам кўзда тутилмоқда.

Ҳасан АРАБОВ.

МАҲСУЛОТ ВА НАРҲ

бюджет маблағлари ҳисобига хотамтойлик қилишга қачон барҳам берамиз?

426 сўмдан олавердиларингизми? — деб сураймиз Олтинқул тумани марказий шифохонаси бош ҳисобчиси М. Мансуровдан. — Шундай бўп қолди, — дейди у.

— Мабодо зарурат туғилгудай бўлса, рўзгорингиз учун маҳсу- лотларни ўша нарҳда харид қил- гани чўнтагингиз кўтарармиди? Бош ҳисобчи тайинли гап ай- толмади. Биз унга айрим таъми- нотчилар маҳсулотларга арзон нарҳлар тақлиф этаётган бир пайтда қимматига харидор бўлаётганликлари сабабини ту- шунтириб беришни сурадик. Ма- салан, нон комбинатидагилар бир сўмдан олаётган 280 сўмдан олаётган тақлиф этмоқда. Лекин «Истиқбол» савдо-тижорат-таъми- нот корхонасида макарон салкам икки бараварга яқин қимматга, анқирого, 426 сўмга сотилмоқда. Шундай бўлса-да, соғлиқни сақ- лаб бўлишдагилар нархи лабга учуқ тоширгудай қиммат макарон- дин 438 килограм олгани ҳолда, арзон ва сифати юқори бўлган маҳ- сулотдан бор йўри 70 кило харид

қилдилар. Шу тумандаги матлу- бо т савдо фирмаси чойни 1413 сўмдан тақдим этса-да, шифо- хона маҳсулотларига «Истиқбол»- ларнинг қилоси 1704 сўмлик маҳ- сулотни маҳсулотлар турлича нарҳлар белгилаётганидан ажабланиб, таъминотчилар ҳузу- рид бўлдик. Улар биз деҳқон- лар фермерлардан маҳсулот ола-

жами 19.481 истеъмолчига бир йилда 119 тоннадан ортиқ гўшт, 582 кг. сариёғ, 27,7 тонна ун, 50 тоннадан зиёд турли хил ерма- лар, 10.876 кг. ўсимлик ёғи, 46,2 тонна шакар зарур экан. Табиийки, бу таъминотчилар зиммасига катта маъсулият юк- лайди. Зарур озиқ-овқат маҳсу- лотларини истеъмолчиларга ўз вақтида етказиб беришдан таш-

имжон Ҳамдамов ва унинг атро- фидагилар чойнинг қилосини 2000, 1 донга туҳумни 112, уни 245, гуручни 780, картошкани 250, сабабини 167, ошқовоқни 215 сўмдан харид қилдилар. Биз ўша пайтдаги нарҳ-наво билан қизиқиб, Андижондаги деҳқон бо- лоридан маълумот олдик. Унда кўрсатилишича, 1 донга туҳум 55, гуруч 300, картошка 100, сабази

ди, — дея хато ва камчиликларни яширишга уринидаи ўқув даргоҳи раҳбари Акбарали Каримов. — Бо- лаларимиз спорт билан шуғуллан- гудай бўлсалар, оқибатда оқиб- қўлларни лат ёйиши мумкин. Шу боис спортга унча қизиқмаймиз.

Ана, сизга вилоятдаги йирик мактаб директорининг тушунча- си, болалар спортига бўлган му- носабати! — Мусика асбоблари етарли- ми? — 15 йилдан буён бирон сўмлик асбоб олганимиз йўқ. Болаларнинг ўзлари олиб кели- шади. Бундай мисолларни келтириш- дан мақсад шуки назаримизда, билим юрларининг раҳбарлари болалар тарбияси билан шуғул- ланиш, фан асосларини пухта ўргатиш учун бюджет маблағла- ридан тежаб-тергаб фойдаланиш ўрнига гўё кўпроқ қаерда қиммат маҳсулот борлиги билан қизиқаётгандай. Шу ўринда яна бир мисол келтирмоқчимиз. Рўзи- нон Усмонохунова раҳбарлик қилаётган Кўргонтепадаги 8-гим- назияда ўсимлик ёғининг нархи кўз кўриб, қўлоқ эшитмаган да- ражага кўтарилди. Бир кило ма- каронни 400, пибэни 164, саба- зини 180, картошкани 230, ша- карни 600, гуручни 600 сўмдан харид қилинди, дея ҳужжат тўлди- ришган. Ўсимлик ёғининг кило- грамми эса 1823 сўм қилиб бел- гиланган...

Нарҳ-наво инфофли ё инфо- сизлар қўлида ўйнаб турмаслиги керак. Давлатнинг бюджет маб- лағлари тежаб-тергаб ишлатили- ши шарт. Уларни айрим қисм- лар хоҳлаганча ишлатмаслиги зар- рур, балки эҳтиёбига йўналти- ришлари лозим. Ана шунда дав- лат бюджетни томонидан ажрати- лаётган маблағлар мақсадли иш- латилари.

Бизда оддий гуруч ва бошқа саб- заот маҳсулотларини қиммат ба- ҳода олишга топилган пул би- лан ва вақтли наърлар учун то- пилмаганидан ажабландик. Анди- жон туманидаги Т. Содиков но- мли 7-урта махсулот савҳат мактаб- интернати 30 йилдан бери фао- лият юриятгани. Лекин, таассуф- лан бўлсинки, спорт майдончаси аборг аҳолида.

— Умуман, спортга муносабат қандай? — Бизда мусикачилар ўқиша-

Одижон ШОДНОАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

"HYDROLIFE BOTTLEERS" компанияси ташаббуси билан Бўстонлик туманида яшовчи уруш ва меҳнат фахрийлари, ногиронлар ва кам таъминланган оилалар учун меҳр ва мурувват йили дастури доирасида хайрия тадбири ўтказилди. Икки юз нафардан зиёд тадбир қатнашчиларига тўқтин дасурхон ёзилиб, турли совғасаломлар улашилди.

Мурувват тадбири

Шу кунги олти нафар кишига ногиронлар аравачаси берилган бўлса, йигирмадан зиёд ногирон хасса, кўлтиктаёқ ва эшитиш аппарати эга бўлди.


— Биз компания раҳбариятидан миннатдоримиз, — дейди товоқсойлик Тўлажон опа Расулова. — Бу уларнинг йил бошидан буюн туман аҳолисига кўрсатаётган иккинчи мурувват ёрдами.

Еттиш нафардан зиёд кам таъминланган оилалар, етим болалар, боқувчисини йўқотганларга моддий ёрдам кўрсатилди.

— Юртдошларимиз юзида табассум, қувонч кўриш ҳар биримизни эзуликлар қилишга ундайди, — дейди "HYDROLIFE BOTTLEERS" компанияси раҳбари Абдунаби Қосимов. — Бундай тадбирларни анъанага айлантириш ниятимиз бор.

Мажуда ХОЛМАТОВА, "Халқ сўзи" мухбири.

ҚАРШИДАГИ ҚЎЛЁЗМАЛАРНИ ЕВРОПА ЎРГАНМОҚДА



Мустақиллигимиз шарофати туфайли юртимизнинг бой ва қадимий тарихини илмий асосда ҳолисона, ҳаққоний ёритишга алоҳида эътибор берилмоқда. Узок мезийни ҳар томонлама чуқур тадқиқ этишда, шубҳасиз, буюк ажодларимиз қолдириб кетган ёзма манбалар — қўлёзма асарларнинг аҳамияти, беқиёсдир. Маърифи келганда айтиш жоизки, бахтимизга ўтмиш тарихимиз ва маданиятимиздан сўзловчи бу қимматли қўлёзмалар нафақат йирик илмий марказлар Тошкент ва Самарқандда, балки республикамизнинг кўплаб шаҳарларида ҳам сақланиб қолган. Бу қўлёзмаларни ўрганишга республикамиз илм аҳли билан бир қаторда хорижлик олимлар, мутахассислар ҳам катта қизиқиш билдирмоқдалар.

Дунёда етакчи ўринлардан бирини эгаллайдиган, француз тилида чоп этилган ушбу каталогда муаллифлар юртимиз тарихи ва маданиятига доир эллиқдан ортиқ қўлёзмалар тавсифини келтириш билан бирга илмий, маърифий аҳамиятга эга молик муҳим масалаларни ҳам амалга оширганлар. Аввало шуни айтиш керакки, каталогнинг кириш қисмида Қарши ўлкашунослик музейининг тарихи ҳақида келтирилган маълумотлар диққатга сазовор. Бундан қарийб юз йил олдин қурилган Хўжа Абдулазизхон мадрасаси биносиде жойлашган Қарши ўлкашунослик музейига 20-йилларда асос солинган. Бу ерда сақланган ёзма обидаларни илмий асосда ўрганиб, уларнинг тавсифини махсус каталогга жамлаб, нашр этиш нияти Мария Шуппе хонимда 1998 йилда, у Тошкентда Марказий Осиё тарихини ўрганиш Франция институтида илмий котиб сифатида фаолият кўрсатган даврда пайдо бўлган эди. Олима тошкентлик шарқшунос Аширбек Муминов билан ҳамкорликда Қарши ўлкашунослик музейида сақла-

наётган қўлёзмаларни ўрганиб, уларнинг тавсифларини тайёрлади. Мазкур каталог Рим шаҳридаги нуфузли Карло Наллино номидаги Шарк институтида нашр этилди.

Мозийдан садо


да Қарши ўлкашунослик музейининг мустақиллик йилларида ҳар томонлама ривожланиши, бу ерда сақланаётган қимматли қўлёзмалар, уларни қурилган Хўжа Абдулазизхон мадрасаси биносиде жойлашган Қарши ўлкашунослик музейига тақдим қилган ташкилотлар, яқна шахслар, тарихимиз мухлислари ҳақидаги маълумотлар, илм-фан ва маърифат ахллари, музейнинг бошқа шаҳарлар билан алоқалари ҳақида ҳикоя қилинади. Каталог муаллифларининг ёзишича, унга кирган қўлёзмаларнинг аксарияти араб тилида, қолганлари форс ва туркий тилларда эканлиги, кўчирилган даври жиҳатидан XVII-XIX асрларга мансуб бўлиб, настълик, насх ва шикаста хатларида битилганлиги қайд қилинган. Каталогга кирган қўлёзмалар мавзу жиҳатидан хилма-

хиллиги билан ажралиб туради. Улардан Қуръони карим, фикҳ, калом, тарих, тасаввуф, фалсафа, мантик ва филологияга бағишланган асарларни кўрсатиш мумкин. Бу қўлёзмаларни ўрганиш орқали юртимизда китобат тарихининг тарқиёт босқичлари, Қашқа воҳасида XVIII-XIX асрларда кенг тарқалган ўқув даргоҳлари — мадрасаларнинг тарихи, уларнинг фаолият доираси, мадрасаларда изчил ўрганилган фикҳ (ислом ҳуқуқи), илоҳият, араб тили ва грамматикаси ҳамда бошқа фанларнинг ўқитиш усуллари, ўқув жараёнлари ҳақида ҳам эътиборга молик маълумотларга эга бўламиз. Қўлёзмаларни ўрганиш орқали воҳа аҳлининг илмий-маърифий савияси, маданий-маънавий қадриятларининг халқ ҳаётида тутган ўрни каби масалаларга ҳам жавоб топш мумкин. Айни вақтда ушбу қимматли қўлёзмаларни кўчирган моҳир хатотлар, саҳҳофлар ҳақидаги маълумотлар ҳам эътиборга моликлигини айтиш ўринли. Каталогга тавсифи киритилган асарларнинг талай қисми таниқли олимлар қала-

мига мансуб бўлиб, улардан Соҳибқирон Амир Темур саройида фаолият кўрсатган буюк олим Саадуддин Масъуд ибн Умар ат-Тафтазонининг (вафоти 1389 йил) «Тажзийб алмантик вал-калом» номли асарига ёзилган шарҳ, 1367 йилда Хоразмда насаслиқ таниқли олим Нажмиддин Умар Абу Хафс ан-Насафийнинг (1068-1142) қимматли асари «Ақид-га ёзган шарҳини айтиш мумкин. Амир Темур ва Темурийлар даврида Самарқандда фаолият кўрсатган машҳур файласуф ва фақиҳ Саййид Шариф Али ибн Муҳаммад ал-Журжоний (1339-1413) қаламига мансуб «Аш-Шарифийа шарҳ ал-фароиз ас-сирожийа» номли фикҳ илмига оид, шунингдек, унинг «Ар-Рисола аш-шамсийа» номли асарига Муҳаммад ибн Кутбиддин ар-Розий томонидан битилган шарҳ ҳам қимматли манбалардан ҳисобланади. Шулар билан бирга Фаридуддин Атторнинг «Мантик ут-тайр», Мирзо Абдулқодир Бедилнинг «Девон», Муҳаммад ибн Мавлоно Юсуфнинг «Искандарнома» номли ўзига хос асари ҳам мазкур каталогдан ўрин олган. Шулар билан бир қаторда каталогда бир нечта муҳим кўрсаткичлар ҳам берилган. Шубҳасиз, бу ишлар мазкур каталогни мукаммал илмий тадқиқот даражасида баҳарилганлигини кўрсатади. Айтиш керакки, мазкур каталог юртимиз тарихини жаҳон миқёсида ўрганувчи олим ва мутахассислар учун фойдали асарлардан бири сифатида эътиборга моликдир.

Ўбайдулла УВАТОВ, Тошкент Ислон университети Ислоншунослик илмий-тадқиқот марказининг бош илмий ходими, тарих фанлари доктори.

Жаҳон спорти



Билетлар нархи туширилмайдиган

Афинада ўтаётган Олимпиада ўйинларига қизиқиш кучли эмаслиги, чипталарнинг ярами сотилмай қолгани ҳақида илгарига хабар берган эдик. Халқаро Олимпия кўмитаси ташкилотчилардан чипталар нархини бироз пасайтиришни сўради. Аммо ташкилий қўмита бу таклифга рози бўлмади.

— Биз чипталарнинг нархини пасайтирмаймиз, — деди Олимпияда ташкилий қўмитасининг вакили Михалис Захаратос. — Чунки бу чипта сотиб олган 2,9 миллион кишига нисбатан ноҳақлик бўлади. Аминимизки, мусобақаларнинг кейинги босқичида стадионлар ишқибозларга тўлади.

Шу билан бир пайтда ФИФА президенти Зепп Блаттер Афина Олимпиядаси ишқибозлар ўртасида катта қизиқиш уйғотмаётганидан норозилигини билдирди. Масалан, футбол бўйича Парагвай ва Гана ўртасидаги кечган бешинчи бор йўғи 1119 киши қузатган, ҳолос. Стадион эса 28 минг ишқибозга мўлжалланган.

Олти

шмониятдан олти қалаба

Жанубий корейлик мерганлар қамондан отиш бўйича кетмакет олтига олтин ме-



далга сазовор бўлди. Сунгги олтинни Кирт Сан Хьон қўлга киритди.

Ўта мурাকাб кечган финал бешлашувда у ўз юртодиси Ли Сан Жиндан қўра нишонни аниқроқ мўлжалга олишга муваффақ бўлди.

Спорتنинг ушбу туридаги бешлашувларда галаба қозониши башорат қилинган Юн Ми Жин чорак финал баҳсларидаёқ мағлубиятга учради. Бронза медали хитойлик Хи Яннга насиб этди.

Шундай қилиб, корейлик мерганлар барча олтин медалларни уйларига олиб кетадиган бўлди.

Мураббий

автоҳалокатга учради

Хоккей бўйича Чехия терма жамоаси мураббийи, машҳур



хоккейчи Иван Глинка Карлова Вара шаҳри яқинида автоҳалокатга учради. Натихада олган жароҳатлари туфайли оламдан кўз юмди.

Иван Глинка раҳбарлигида Чехия терма жамоаси 1998 йилда Наганода бўлиб ўтган Олимпиадада ва 1999 йилда жаҳон биринчилигида галаба қозонган эди.

UZDUNROBITA
first cellular

ГРЕЦИЯ ОЛИМПИАДА ЎЙИНЛАРИ

Уздунробита
Ўзбекистон Олимпия қўмитасининг бош ҳамкори

ЎЗ ЖАМОАНГНИ ҚўЛАБ-ҚУВВАТЛА!

"Олимпиада — 2004" хизмати

Грецияда Олимпиада — 2004 ўйинлари ҳақида маълумотлар сизнинг телефонингизда!

- «WAP» режимида — WAP.UZDUNROBITA.UZ сайтида «Олимпиада — 2004» саҳифасини очиб ўйинлар жадвали, натижалари, командалар рейтингини билан ўйинлар ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлишингиз мумкин.
- SMS орқали — командалар рейтинглари, совринлар сони ҳақида маълумот:
 - 2004 рақамига 0 (ноль) рақамини юборсангиз Сизга ёрдам (Help) маълумоти келади;
 - лотинчада керакли давлатнинг биринчи учта ҳарфини юборсангиз ўйинлар яқунлари ҳақида маълумот оласиз (UZB — Ўзбекистон).
- Plus SIM карталари эгалари учун — командалар рейтинглари, совринлар ҳақида маълумот: янги менюни активлаштириб — «Информация» менюсининг ичида янги «Олимпиада — 2004» саҳифаси пайдо бўлади, у ердан керакли давлатни танлашингиз мумкин.

«Олимпиада — 2004» хизмати тарифлари:

- WAP режимида 1 дақиқа эфир вақти учун - \$0,10
- SMS ва PLUS режимида бир хабар учун - \$0,03

www.uzdunrobita.uz/wap.uzdunrobita.uz

TURON BANK

АТ Туронбанки
аҳоли диққатига янги ютуқли
«Омад қувончи»
омонатини таклиф этади!

- ⇒ Омонатчилар белгиланган Фоиш даромдини олиш билан бир қаторда пул ютуқларига эга бўлишлари мумкин.
- ⇒ Ўйин тиражлари ҳар 6 ойда ўтказилади.
- ⇒ Омонатга пул маблағлари камида 10000 сўм миқдориде чегараланмаган муддатга АТ Туронбанкининг барча муассасалари орқали 2004 йил 20 декабрдан қабул қилинади.

«Омад қувончи» омонати бўйича ютуқлар тиражи 2005 йил январь ойида Тошкент шаҳрида ўтказилади.

Омад сизга ёр бўсин!

Мурожаат учун телефонлар: 144-32-32, 144-29-07.

«ВОЛГА» автомобиллари «ГАЗЕЛЬ» СОТИЛАДИ

«ГАЗ» ОАЖнинг расмий дилери Тошкент шаҳридаги омонатдан ГАЗ-31105, ГАЗ-3102, ВАЗ-2107 автомобиллари ва «Газель» русумидаги юк машинасини таклиф этади.

Автомашиналар темир йўл орқали вагонларда келтирилган.

191-03-80, 191-10-43.

Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди жамоаси Олий ҳўжалик суди судлов таркиби раиси, судья Азамат Дўстобоевга акаси Толмас ДўСТБОВЕВ нинг вафоти муносабати билан чўқур таъзия изҳор этади.	Ўзбекистон Республикаси Марказий банки жамоаси Кредит аҳбороти миллий институти директори Хўсен Жумаевга падари бузруквори ОБИД отанинг вафоти муносабати билан чўқур ҳамдардлик изҳор қилади.	Ўзтеледиокомпания жамоаси Ҳисоб-китоб бошқармасининг етакчи мутахассиси Райхон Боймуродовага отаси Ўроқ ТУРСУНОВ нинг вафоти муносабати билан чўқур таъзия изҳор қилади.
--	--	--

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамаси

Бош муҳаррир **Аббосхон УСМОНОВ**

Таҳрир хайъати: Э. Болев (масъул котиб — «Халқ сўзи»), П. Дугой, Ш. Жабборов (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Л. Кучеренко (масъул котиб — «Народное слово»), М. Миралимов, С. Муҳаммадиев, Ш. Ризаев, А. Саидов (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), М. Сафаров, И. Ўтбосаров, А. Хайдаров, Ҳ. Ҳошимов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Ўзбекистон Матбуот ва аҳборот агентлигида 001-рақам билан ривожланиб келинган.
Буларга Г — 96, 21129 нусхада босилган, ҳажми — 2 тўбик, Обфет усулида босилган.
Кўзг бичими А—2
Газета 18М қонундорларга тарафда ва операторлар Жаҳонга Тоғас ва Баҳадир Файзулов томонидан саҳифаланди.
Таҳриратда ҳажми 5 қоголдан зиёд материаллар қабул қилинмайди.
П—Тижорат материал

● **МАНЗИЛИМИЗ:**
700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — Ф. Сапаев.
Навбатчи — С. Дошперов.
Мусаҳҳих — Ш. Машираббоев.

«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ҲА яқуни — 21.00 Топширилди — 21.10 1 2 3 4 5